

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Дехқонобод калий заводи” АЖ
Бошқарув раисининг биринчи
ўринбосари в.в.б



Т.Зарипов

24 » 06 2022 й.

«Дехқонобод калий заводи» АЖ калий ўғити ишлаб чиқариш 2-босқичида жойлашган поз. С2303 лентали конвейеридан М2301А/В тебранма элагига руда тушувчи карманани, М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак усти махсулот тушувчи бункерлари, М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак остидан V2302 бакига борувчи қувурлари, М2302 стерженли тегирмонининг юкловчи қузури, Р2301А/В насосларидан М2303А/В элакларига борувчи қувурлари, Х2301А/В флотомашиналаридан Х2302 флотомашинага борувчи қувурларини таъмирлаш (демонтаж-монтаж) ишларини бажариш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича

Техник топшириқ

МУНДАРИЖА:

1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ.....	3
2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)	3
3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)	4
4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)	4
5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ.....	5
6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	5
7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ).....	5
8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	6
9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР.....	6
10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР.....	6
11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ.....	7
12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ.....	7

1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

«Дехконобод калий заводи» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи)нинг калийли ўғитлар ишлаб чиқариш 2-босқичи (кейинги ўринларда) да жойлашган поз. С2303 лентали конвейеридан М2301А/В тебранма элагига руда тушувчи карманани 18м² ва М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак усти маҳсулот тушувчи бункерларининг 10 м² қисмини 6мм металл листини, М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак остидан V2302 бакига борувчи қувур Ø377 мм/30 м, Ø426 мм/20 м, М2302 стерженли тегирмонининг юкловчи қувури Ø630 мм/10 м, Ø325 мм/8 м, Р2301А/В насосларидан М2303А/В элакларига борувчи қувур Ø273 мм/36 м, Х2301А/В флотомашиналаридан Х2302 флотомашинага борувчи қувур Ø325 мм/35 м ини таъмирлаш (демонтаж-монтаж) ишларини бажариш учун хизмат кўрсатиш.

2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Хизмат кўрсатувчи буюртмачига цехидаги бункер ва метал қувурларни демонтаж-монтаж қилиш хизматини кўрсатади.

Хизматни кўрсатувчи томонидан ушбу техник топшириқда кўрсатилган хизматларни бажаришга буюртмачи томонидан берилган талабномада кўрсатилган демонтаж-монтаж қилиш ишлари сифатли ва кафолатланган ҳолда қуйидаги хизматларини бажариш талаб қилинади:

- С2303 лентали конвейеридан М2301А/В тебранма элагига руда тушувчи карманани (ҳажми 18 м², металл лист калинлиги 6 мм) демонтаж ва монтаж қилиш.
- М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак усти маҳсулот тушувчи бункерларини (ҳажми 10 м², металл лист калинлиги 6 мм) демонтаж ва монтаж қилиш.
- М2301А/В ва М2303А/В тебранма элакларининг элак остидан V2302 бакига борувчи қувурларини (узунлиги 30 метр бўлган Ø377 мм.ли, узунлиги 20 метр бўлган Ø426 мм.ли метал қувурлар) демонтаж ва монтаж қилиш.
- М2302 тегирмонининг юкловчи қувурини (узунлиги 10 метр бўлган Ø630 мм.ли, узунлиги 8 метр бўлган Ø325 мм.ли метал қувурларни) демонтаж ва монтаж қилиш.
- Р2301А/В насосларидан М2303А/В элакларига борувчи қувурларни (узунлиги 36 метр бўлган Ø273 мм.ли метал қувурларни) демонтаж ва монтаж қилиш.

- X2301A/B флотомашиналардан X2302 га боровчи қувурларни (узунлиги 35 метр бўлган Ø325 мм.ли метал қувурларни) демонтаж-монтаж қилиш.

3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан техник топшириқда кўрсатилган таъмирлаш ишларини олиб бориш учун бажариладиган ишлар бўйича смета хужжатларини буюртмачи билан келишиш мақсадида таъмирлаш ишлари бошланишидан камида 30 кун олдин тақдим қилиниши шарт.

Монтаж ишларини олиб бориш цехнинг режали тўхлаши билан боғлиқлигини ҳисобга олиб монтаж қилинадиган бункер деталларини ва қурурларни зарурий ўлчамда монтаж қилиш ишларига олдиндан тайёрлаши ва монтажга шай ҳолатга келтириш зарур.

Цехда 2022 йилнинг август ойида қурилмаларни капитал таъмирдан (КР) ўтказишга чиқариш учун режали тўхталиш амалга оширилишини ҳисобга олиб, режали тўхталиш амалга оширилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида бункер ва қувурларни демонтаж ва 5 иш куни мобайнида монтаж қилиш ишларини тўлиқ яқунлаши зарур.

Монтаж қилиш ишларини амалга ошириш учун вақтинчалик хизмат кўрсатиш майдончаси қуриш хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўрнатилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда яқунлаш учун узлуксиз иш режимини ташкил қилиши шарт.

Таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб қилинган пудратчи ташкилотнинг ходимлари жамият томонидан берилган махсус рухсатнома асосида жамиятнинг I-назорат-ўтиш жойларидан ўтиши шарт.

4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида жойлашган «Дехқонобод калий заводи» масъулияти чекланган жамиятининг манзили бўйича кўрсатилади.

5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Хизматни кўрсатувчига техник топшириқда кўрсатилган таъмирлаш хизматларни бажариш учун ишлатиладиган материаллар (метал лист ва метал қувур) буюртмачи томонидан берилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилот ишлатадиган пайвандлаш аппарати, ҳар хил болгаркалар, пайванд учун ишлатиладиган электродлар, транспорт воситалари, лесалар ва бошқа зарурий иш қуроллари, ишчилар учун ётоқхона ва озик овқатини ўз ҳисобидан таъминлайди. Ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб айрим деталлар ва товар моддий бойликларни хизмат кўрсатувчи томонидан етказиб бериш зарурияти туғилганда бундай товарларнинг етказиб берилиши буюртмачи билан келишилади.

Хизматлар учун олдиндан 15% фоиз миқдордаги аванс тўловлари амалга оширилади.

Бажарилган ишлар учун тўловлар, хизмат кўрсатувчи томонидан таъмирлаш ишларнинг бажарилганлигини (хизматларни кўрсатилганлигини) тасдиқловчи форма №2 ва №3 ҳужжатлар олинганидан кейин 15 (ўн беш) банк куни ичида амалга оширилиши зарур, лекин бу муддат 20 (йигирма) календар кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Таъмирлаш хизматини кўрсатувчи ташкилотнинг махсус таъмирлаш ва юқори босим остида ишловчи қурилмаларни монтаж қилиш хизматларини амалга ошириш бўйича ваколатли органлар томонидан берилган рухсатнома ёки лицензияга эга бўлиши шарт.

Таъмирлаш хизматини кўрсатувчи ташкилотнинг ушбу техник топшириқда кўрсатилган таъмирлаш ишларини буюртмачининг талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланган муддатда бажаришлари учун етарли миқдорда малакали мутахассислар билан таъминланган ҳамда баландликда пайвандлаш ишларини амалга ошириш учун махсус рухсатномага бўлиши шарт.

Техник топшириқда кўрсатилган таъмирлаш ишларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилса буюртмачининг тегишли мутахассислари ёрдамида ушбу ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинади.

7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Таъмирлаш хизматини кўрсатишнинг тахминий муддати:

- Бункернинг деталларини ва метал қувурларни монтаж қилиш ишларига тайёрлаш 2022 йилнинг 1-июль санасидан 30-июль санасигача;
- Бункерларни ва метал қувурларни демонтаж-монтаж қилиш 2022 йилнинг 1-август санасидан 7-август санасигача.

Таъмирлаш хизматини кўрсатиш буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ташкилот

ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзолангандан кейин амалга оширилади.

8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Буюртмачи томонидан демонтаж қилинадиган бункерлар ва метал қувурлар учун шакллантирилган нуқсон далолатнома асосида бажариладиган ишларга наряд-рухсатнома расмийлаштириб хизмат кўрсатувчига такдим қилинади.

Хизмат кўрсатувчи томонидан ҳар бир монтаж ишлари яқунлангандан сўнг монтаж ишларининг бажарилганлиги тўғрисида буюртмачининг вакили билан биргаликда далолатнома расмийлаштириб буюртмачига такдим қилиб борилади.

Таъмирлаш ишлари тўлиқ яқунлангандан сўнг таъмирлаш ишларининг бажарилганлигини тасдиқловчи форма №2 ва №3 ҳужжатлари имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Хизмат кўрсатувчи томонидан буюрмачи номига метал лист ва метал қувурларни бир-бирига пайванлаган қисмидан камида 2 йил мобайнида тешиқлар ҳосил бўлмаслигига ёки ишлаш давомида тешиқлар ҳосил бўлса ўз ҳисобидан таъмирлаб бериши учун кафолат хати юборилиши талаб қилинади.

10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КўРСАТИШГА ҚўЙИЛАДИГАН ҚўШИМЧА ТАЛАБЛАР

Хизмат кўрсатувчининг айби билан 2 йил мобайнида буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнида тўхталиш кузатилганда ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзига юклатилган вазифаларни етарлича бажармаганда кўрсатилмасдан қолган хизматлар натижасида келиб чиққан йўқотиш умумий суммасининг 20% миқдоридан хизмат кўрсатувчи ташкилотга жарима қўлланилади.

Ушбу техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажариши (хизматларни кўрсатиши) мумкин бўлган потенциал ташкилотларга мазкур ишларни бажариш бўйича танлов бошлангунига қадар буюртмачининг объектлариغا ташриф буюриши, иш ҳажми ва ишларни бажариш шарт-шароитлари билан жойида танишиши учун имконият яратиб берилади.

11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ


Т/р	Қисқартма	Қисқартманинг тўлиқ ёйилмаси
-	-	-

12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Илова номланиши	Варақлар сони
1		
2		

Ишлаб чиқди:

ТХТ ва РМ бўлими бошлиғи



А.Ануров.


Келишилди:

Бош механик



С.Худойназаров

КЎИЧ цехи бошлиғи



Б.Рахматов.